

QUDRAT MUSAYEV

ENGLISH STYLISTICS

Tashkent – 2003

М 97

Мусаев Кудрат

Инглиз тили ⁴⁴стилистикаси: Дарслик. – Т.:

«Адолат», 2003. –312 б.

ББК 81. Англ-5я73

АННОТАЦИЯ

Ушбу китобда инглиз тили бўйича ихтисослашаётган олий ўқув юртлари талабалари таҳсили предмети бўлмиш стилистика фани муаммолари устида сўз юритилади. Китоб билан танишиш талабаларда таҳлил қилинаётган бадий ёдгорлик матнига онгли равишда муносабатда бўлиш, унинг таркибидаги ҳар бир фонетик восита, грамматик шакл, лексик ва фразеологик бирлик қўлланилишига этиёткорлик билан ёндашиш малакасини шакллантиради. Бундай малака бўлажак ўқитувчиларнинг бадий асарни атрофлича ва чуқур идрок этиш қобилиятини ва маданиятини юксалтиради.

Профессор Ж. Ж. Жалолов таҳрири остида

М $\frac{1201000000 - 006}{(04) - 2003}$ – 2003

©Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти, 2003 й.

СЎЗ БОШИ

Айрим тилшунос олимлар ўз эътиборини ҳанузгача кўпроқ тилнинг расмий-қурилиш жиҳатига қаратиб келадилар. Бунинг аҳамиятига эътироз билдириб бўлмайди. Аммо эндиликда тил илмининг расмий-қурилиш таҳлили билангина чеклаб қўйилиши тўлақонли лисоний тадқиқотни юзага келтира олмаслиги аён бўлиб қолди. Тил ҳақида объектив мулоҳаза юритиш унинг мазмуний-эстетик жиҳатини ҳам назарда тутган ҳолда, нутқий ифоданинг таъсирчанлигини юзага келтирадиган лисоний воситаларнинг табиатини, уларнинг бадий нутқ таркибида касб этадиган қўшимча маъно ва маъно белгилари ҳамда вазифаларини ҳам таҳлил қилиш орқали мукаммал илмий хулосалар яратиш заруратини келтириб чиқаради. Бундай кўп қиррали лисоний таҳлил стилистика фанининг юзага келишига сабаб бўлди.

Ушбу китобда тилшуносликнинг алоҳида тадқиқот йўналиши бўлмиш стилистика ҳақида баҳс юритилар экан, аввало, «стилистика» сўзининг пайдо бўлиши ҳақида қисқача тўхталамиз.

«Стил» (инглизча: style) лотинча «stilos» сўзидан олинган бўлиб, мум суртиб ялтиратган тахтачада ёзиш учун қўлланилган учи ўткир чўпни англатган. Мазкур сўз лотин тилидалигидаёқ маъно ўзгаришга юз тутгани ҳолда нафақат ёзув қуролини, балки ёзиш усулини, баён тарзини билдира бошлаган. У кейинги маъносида барча Оврупо тилларига ўтган.

Нутқ стиллари ва стилистик воситалар ҳақидаги таълимот номи бўлмиш «стилистика» сўзи эса французча «stylistique» истилоҳи асосида яратилган. Бу сўз филологик фан номи сифатида инглиз тилида «stylistics» тарзида қўлланиб келинади.

Стилистика муаммолари кейинги ўн йилликлар мобайнида тадқиқотчилар эътиборини ўзига кўпроқ тортиб келмоқда. Тилшунослар ҳам, адабиётшунослар ҳам стилистикани ўз соҳаларига оид тадқиқот объекти санаганлари ҳолда, илмий изланишларини шу йўналиш асосида олиб бормоқдалар. Аммо уларнинг стилистика ҳақидаги нуқтаи назарлари бир хил эмас.

Адабиётшунослар тушунчасидаги стилистика адабий-бадий нутқ таркибида қўлланиладиган турли-туман бадий-тасвирий воситаларнинг эсте-

тик вазифаларини ўрганади. Бундай тадқиқотнинг мақсади ушбу тасвирий воситаларнинг у ёки бу ёзувчи ижоди ёхуд адабий йўналиш таркибида ўтаб келадиган вазифаларини, шунингдек, уларнинг бадиий ёдгорликнинг ғоявий мазмуни билан боғлиқ ҳолатини муайян қилишдан иборатдир.

Тилшунослар тушунчасидаги стилистика эса мулоқотнинг ёзма ва оғзаки шакллари таркибида қўлланиладиган турли-туман тасвирий воситалар ва услубий приемларнинг ҳиссий-таъсирий вазифаларини тадқиқ этади. Бундай тадқиқотнинг мақсади ранго-ранг фикр баён қилиш усуллари-нинг жилолари ва уларнинг муайян нутқ шароитига вобасталигини аниқлашдан ҳамда тилнинг ҳис-ҳаяжон ифодаси учун қўлланиладиган лексик-фразеологик бирликлари маъно ва вазифаларини таҳлил қилишдан иборатдир.

Шундай қилиб, тилнинг функционал-эстетик жиҳатига алоқадор бўлган тилшунослик йўналишидаги стилистика кейинги 40–50 йил мобайнида катта ютуқларни қўлга киритди. Бу йўналишдаги стилистика лексик ва грамматик синонимия, сўз-нинг семантик қурилиши, тил тараққиётининг у ёки бу босқичида сўз қўллаш қонуниятлари, тил-нинг вазифавий табақаланиши каби қатор муаммоларни ечишга кўмаклашади.

Аммо тилшунослик йўналишидаги стилистика билан адабиётшунослик йўналишидаги стилистикага турли фанлар сифатида қараш тўғри бўлмайди. Аслида стилистика тилнинг экспрессив воситалари устида баҳс юритувчи фан сифатида мазмун ва услуб эътибори билан узаро ажралмасдир. Қайд этилган таъкидлар тил материаллари стилистик таҳлилининг ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик мақсадларида фойдаланилиши мумкинлигини англатади. Демак, стилистика тилшунослик билан ҳам, адабиётшунослик билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Мадомики истёмолдаги тил стилистик таҳлил объекти саналар экан, табиийки ушбу таҳлил тилнинг барча жиҳатлари, чунончи, фонетикаси, луғат таркиби ва грамматик қурилишига дахлдордир. Бироқ стилистика ўз вазифалари ва тил материалларига муносабати жиҳатларидан тилнинг мазкур томонларининг ҳар қайсисини алоҳида тадқиқ этадиган тилшунослик соҳаларидан фарқ қилади.

Ушбу китобда инглиз тили бўйича ихтисослашаётган олий ўқув юртлари талабалари таҳсили

предмети бўлмиш стилистика фани муаммолари устида сўз юритилар экан, китоб билан танишиш талабаларда таҳлил қилинаётган бадий асар матнига беихтиёр, юзаки тарзда эмас, балки кунт билан онгли равишда муносабатда бўлиш, унинг таркибидаги ҳар бир фонетик восита, грамматик шакл, лексик ва фразеологик бирлик қўлланилишига эҳтиёткорлик билан ёндошиш малакасини шакллантиради. Бундай малака бўлажак ўқитувчиларда таҳлил ва таҳсил учун қўлга олинган бадий матндан ҳиссий таъсирланиш, завқу шавқ олиш лаёқатини оширади, уларнинг эстетик дидини сайқал топтиради, уларни асарга пала-партиш муносабатда бўлиш қусуридан халос этади, бир сўз билан айтганда, уларнинг бадий асарни атрофлича ва чуқур идрок этиш қобилияти ва маданиятини юксалтиради.

Стилистика билими янги матний ҳолат ва вазиятларда фойдаланилган лисоний воситалар вазибалари ҳақида тўғри, объектив тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради. Бундай билим, ўз навбатида, талабанинг стилистик таҳлил усуллари мукамал ва атрофлича ўзлаштириб олишини тақозо этади. Мазкур таҳлил асарда қўлланилган лисоний воситаларни шунчаки қайд этишдан, юзаки тасвирлашдан иборат бўлмасдан, унинг мақсади стилистика фанининг тадқиқот мавзулари бўлмиш барча тасвирий воситалар ва услубий приемлар тизими табиатини пухта ўзлаштириб олиб, уни амалиётда қўллай билиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Китоб ўз олдида стилистика фани муаммоларини батафсил ёритиб бериш вазибасини қўймайди, балки ўқув дастурида назарда тутилган соатлар қамрови даражасидаги мавзуларнигина сиқик тарзда зикр этади.

Муаллиф китобнинг ёзилиши ва дунё юзини кўришида ўзларининг доно маслаҳатлари, кўмак ва даъватлари билан алоҳида жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ хайрихоҳ инсонларга, чунончи, Низомиёми номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг ректори, профессор Б. Ғ. Қодиоровга, университет хорижий тиллар факультети декани, доцент Ғ. Р. Юзликаевга, герман тиллари кафедраси доценти Х. Р. Раҳимовга, китоб қўлёзмасини компьютерда оққа кўчиришда кўмаклашган факультет магистранти Х. Л. Носировга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.